

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИДА ИЛК ЎРТА АСР ХУНАРМАНДЧИЛИГИ

Абдисалиева Санобар
Ажиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институти
«Ижтимоий-гуманитар фанларни
ўқитиш методикаси (тарих)»
мутахассислиги магистранти

Аннотация: Мақолада археологик материаллар асосида хунармандчилик соҳаларининг инкироз ва тараққиёт жараёнлари таҳлил қилинган. Жанубий Оролбўйи худудида антик давр инкирозидан сўнг VI асрдан бошлаб хунармандчилик соҳаларида аста-секин ривожланиш жараёнлари бошланади.

Минтақада VII - VIII асрларда хунармандчилик соҳалари бирмунча ривож топади. Шунга қарамасдан, бу даврда Жанубий Оролбўйи худудида асосан уй хунармандчилиги соҳалари мавжуд бўлган.

Таянч сўзлар: Жанубий Оролбўйи, илк ўрта аср, шаҳарлар, археологик тадқиқотлар, хунармандчилик инкирози, хунармандчилик ривож, кулолчилик, металлсозлик, шиша ва тош буюмлар, моддий манбалар.

Аннотация: В статье на основе археологических материалов анализируются процессы упадка и развития ремесленных отраслей. После античного кризиса в регионе Южного Приаралья, начиная с VI века, начались процессы постепенного развития ремесел.

В VII-VIII веках в регионе несколько развивались ремесленные отрасли. Несмотря на это, в этот период в регионе Южного Приаралья существовали в основном домашние ремесла.

Ключевые слова: Южный Приаралья, раннее средневековье, города, археологические исследования, кризис ремесел, развитие ремесел, гончарное дело, металлообрабатывающие ремесло, изделия из стекла и камня, материальные ресурсы.

Abstract: The article analyzes the decline and development of craft industries based on archaeological materials. After the ancient crisis in the Southern Aral Sea region, starting from the 6th century, processes of gradual development of crafts began.

In the 7th-8th centuries, craft industries developed somewhat in the region. Despite this, mainly domestic crafts existed in the Southern Aral Sea region during this period.

Keywords: Southern Aral Sea region, early medieval period, cities, archaeological research, craft crisis, craft development, pottery, metalworking craft, glass and stone products, material resources.

Жанубий Оролбўйида III аср охиридан то V асргача давом этган сиёсий ва ижтимоий муносабатлардаги инқирозлар воҳа халқларининг иқтисодий ҳаётини издан чиқаради. Бу даврда ўзаро ички курашлар ва ташқи урушлар натижасида иқтисодиёт ва ирригация тармоқлари табора қисқариб боради. Улардан IV асрда Анқоқалъа ва Жилдикқалъа худудларида ҳаёт тугайди, Тупроққалъа ва Қирққиз қалъа худудларида эса тушкунликга юз тутиш жараёни кузатилади. Кат канали рустоғида ҳам маданий ҳаёт излари кузатилмайди. Ҳаттоки, Кат ёнидаги Филқалъанинг қурилиши тугалланмай қолади. Бу даврда Амударёнинг чап соҳилида ҳам маданий юксалиш жараёнлари кузатилмайди. Ҳаммаёқни вайрон этган ижтимоий-сиёсий инқирозлар тахминан икки аср давом этади [3,117-122].

Ўша даврда Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари каби ерга эгалик қилиш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шакли бўлган феодализмнинг кучайиши кузатилади, баъзи рустоқларда Африғийлар сулоласининг ҳокимиятини тан олмовчи бир қатор мустақил рустоқлар мавжуд бўлган.

Илк ўрта асрда Ўрта Осиёга, жумладан Жанубий Оролбўйларига кўчманчи қабилаларнинг бирин-кетин кириб келиши билан сиёсий курашлар кучайиб ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва маданий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Бу каби ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳаларини ларзага

келтирувчи сиёсий-тарихий воқеаларнинг салбий оқибатлари ҳунармандчилик маҳсулотлари ва меъморий ёдгорликлар ҳолатида яққол кўзга ташланади.

Айниқса, мелодий V асрдан қишлоқ маконларида кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди. Бу даврда қизил ангобли кулолчилик ҳунармандчилиги маҳсулотларининг кескин қисқариши билан қўлда ишланган очиқ ангобли сопол буюмларнинг кўпайишида яққол кузатилади.

Бу даврда кулолчилик маҳсулотлари турларининг камайиши ва ўзгариш жараёни юз беради. Илгари Жанубий Оролбўйи ҳудудида хос бўлмаган янги турдаги баъзи сопол идишлар пайдо бўлади. Қадимдан таёрланиб келаётган пифос тарзли хум ва хумчаларни ишлаб чиқариш IV - VIII асрларда қисқаради, бу даврда узун бўйинли бирмунча йирик кўза тарзли сопол идишлар ишлаб чиқариш кучайди. Икки дастали ва турли хил кўзасимон идишлар кенг тарқалади. Бошқа турдаги сопол идишлар (коса, товоқ, тоғора) ташқи қиёфасида сезиларли ўзгаришлар юз бермайди, антик даврдаги кулолчилик ҳунармандчилик маҳсулотларидаги анъанавий шакллар давом этади [7,48; 9,78].

Шунга қарамасдан, V аср охири ва VI аср бошларидан Жанубий Оролбўйи ҳудудида маданий ва иқтисодий ҳаёт янгидан аста-секин кўтарилди бошлайди. Африғийлар маданиятининг юксалиш жараёнини дастлаб Бургутқалъа воҳасида кузатишимиз мумкин. Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги дастлабки кўшклар V-VI асрларда қурилган. Мазкур ҳудудда юзлаб кўшклар мавжуд бўлиб, улар ҳар бир гуруҳда биттадан каттароқ кўшк билан ажралиб туради. Уларга Бургутқалъа (25 та кўшк), Тешиққалъа (13 та кўшк), Қумбосганқалъа (8 та) ва ҳақозо 8 дан 13 гача кўшклар гуруҳи мавжуд. Минтақада VI-VII асрларда микро воҳачаларда маданий ва иқтисодий ҳаёт ривожлана бошлайди [7,48-50].

Ўша давр Жанубий Оролбўйи ҳудудида баъзи шаҳарлари катта-кичик кўшк қўрғонларнинг ўсиши жараёни туфайли шаклланди. Яъни, VII-VIII аср бошларда қад кўтарган кўшк қўрғонлар аста-секин шаҳар мавқеига эга бўлди. Бу жараён атрофдаги кўшни кичик қўрғон-шаҳарчаларнинг агломерацияси ҳисобидан Бургутқалъа, Тешиққалъа, Кот (ал-Фир қўрғони), Миздакхон

(Гавурқалъа) каби шаҳарларининг худудий жиҳатдан кўлами кенгайиб, хунармандчилик соҳаларида ишлаб чиқариш муносабатлари катталаша бошлайди.

Жанубий Оролбўйи худудидаги Бургутқалъа, Тешиққалъа, Якка-Парсон, Жигарбанд, Садвар ёдгорликларидаги археологик материаллар VI-VIII асрлардаги маданий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалари хунармандчилик, санъат, архитектура, ҳарбий соҳа, нумизматика, гералдика ва қишлоқ хўжалиги тўғрисида кенг тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Археологик тадқиқотлар ҳулосалари шуни кўрсатадики, VII – аср охири VIII аср бошида Бургутқалъа кўрғони атрофида катта бўлмаган қалъа шаклланади. Қалъа иккига ажралади, майдони 6,2 га ни ташкил этади. Қалъа қисман IV асрга оид қадимги қурилиш иншооти харобалари устига қурилган. Қалъанинг иккала - шарқий ва жанубий қисмлари ҳам деворлар билан қуршалган. Шарқий қисми хунармандчилик хусусиятларига эга бўлиб, унинг юзасида темир эритиш, суякга ишлов бериш ва бошқа хунармандчилик соҳалари излари мавжуд. Қалъанинг жанубий қисмида иккита маҳалла жойлашган. Бу жойда ҳам ишлаб чиқариш излари кузатилади [8,42].

Амударёнинг ўнг соҳилда VII – VIII асрларда Бургутқалъа кўрғонига ўхшаш қишлоқ маконлари сифатида Қумқалъа, Норинжонқалъалар юзага келди.

Жанубий Оролбўйи худуди аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан бирга уй хунармандчилиги билан шуғулланишган. Уларда шаҳарлардаги товар маҳсулотларга деярли эҳтиёж бўлмаган, чунки аҳоли талабларини қишлоқ хунармандлари томонидан қонаотландирилган. Жумладан, кийим-кечак, оёқ-кийим, газламалар, идиш-товоқ каби зарурий маҳсулотларнинг асосий қисми қишлоқ аҳолиси томонидан тайёрланилган.

Илк ўрта асрларга оид маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари намуналари Якка-парсон кўрғонидан пахта газламасидан тикилган аёллар кийим-кечага, мато ипи, жун қирқимлари, кигиз бўлаги, ёғоч ва ип йиғириш урчуқ бошлари топилган [5,14-15]. Шунингдек, Тешиққалъа ёдгорлигидан пахта ғўзаси

кўсаклари ҳам аниқланган. Ушбу артефактлар В.В. Бартольднинг: «Зарафшон ва қўйи Амударё худудларида пахтачилик, асосан пахта газламаларини ишлаб чиқариш ҳеч қачон тўхтаган эмас» -деган фикрлари ҳаққонийлигини ойдинлаштиради.

Кўриниб турибдики, илк ўрта асрда Жанубий Оролбўйи худудида уй ҳунармандчилиги асосий машғулотларидан бири ҳисобланган.

Минтақада илк ўрта асрларда Катта Қирққиз қалъа (VII-VIII асрлар) ташқи девори атрофи кулолчилик ва темирчилик ҳунармандчилиги марказларидан бири ҳисобланган [6,100-107]. Бу жойдан руда эритиш устахоналари излари, дашқол, кулолчилик хумдонлари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари топилган. Катта Қирққиз қалъа девори буйлаб сочилиб ётган сопол ва темир чиқитлари шаҳар атрофида ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг кўламда йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрларда халқаро карвон савдосининг ривожланиши натижасида Хоразмда ишлаб чиқарилган чарм, бадий металл буюмлар, камон каби баъзи ҳунармандчилик маҳсулотлари ташқи савдога чиқарилган. Бунга Япония императори антиқа буюмлар хазинаси – Шосоинда сақланаётган Хоразмда VII–VIII асрларда қизил чармдан тикилган пойафзал якқол мисол бўлади [1,101]. Бу даврда экспортга чиқарилган маҳсулотлардан яна бири камонлар бўлиб, бу ҳақида муаллифлар Мовсес Хоренаци (Моисей Хоренский VIII аср), ал-Мақдисий (X аср) ўз асарларида маълумотлар беради [4,202;10,242].

Таъкидлаш зарурки, VI-VIII асрлардаги Жанубий Оролбўйи худудида ҳунармандчилик соҳалари ривож ва маданий соҳалар тараққиётини белгилашда кулолчилик буюмлари асосий археологик манба бўлиб хизмат қилади. Илк ўрта асрнинг дастлабки босқичидаги баъзи кулолчилик буюмларининг ясашиш услублари ва шакли Сирдарё ва қўйи Амударё соҳилларидаги ярим кўчманчи аҳоли маданиятлари билан ўзаро олақада бўлганлигини кўрсатади [2,110-111].

Жанубий Оролбўйи худудининг VI-VIII асрлардаги кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш техникасидаги ўзгачаликларга кўра икки гуруҳга ажралади:

- 1) Кўл чархида ишланган.
- 2) кўлда ишланган.

Ўша даврда кўл чархида ишланган кулолчилик идишларининг сифати антик даврга қараганда анча пастдир. Унинг сополи ҳам, шакли ва ишлаш техникаси ҳам антик даврникидан анча фарқ этади. Сопол идишлар қоида бўйича бир текисда пиширилмаган, фақат VIII-IX асрлар кулолчилик буюмларининг сифати яхши ва бир текис пиширилган. Кўлда ясалган сопол идишлар сони антик даврникидан кўпроқ ўрин олади. Илк ўрта асрда Жанубий Оролбўйи худуди ёдгорликдаги чўзинчоқ шаклдаги дон ёрғучоқлар, айланадиган айланасимон катта ялпоқ, тегирмон тошлари билан алмаштирилади [7,41-58]. Тешиққалъадан ёрғучоқлар билан бирга кўл тегирмонлари тошлари ҳам топилган. Бу эса VI-VII асрларда ишлаб чиқариш муносабатларининг аста секин юксалаётганлигидан гувоҳлик беради.

Афсуски, Жанубий Оролбўйи худуди қалъалари Турк ҳоқонлиги (VI-VII аср), араблар босқинчилиги арафасида (VIII- аср боши) аксарият йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларига айлана олмади. Жумладан, VII-VIII асрларда кўрғон ёки мудофа деворларига эга рабоди мавжуд бўлган Бургутқалъа, Якка-Парсон, Тешиққалъа ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин.

Демак, VI-VIII асрларда Жанубий Оролбўйи худудида асосан уй ҳунармандчилиги, баъзи шаҳар, кўшк-кўрғонларда буюртма асосида маҳсулот тайёрловчи ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлган. Буюртма асосида маҳсулот тайёрловчи ҳунармандчилик соҳалари томонидан металл буюмлар, камон, чарм маҳсулотлари ва газламалар ташқи савдога чиқарилган.

Жанубий Оролбўйи худудида IX-X асрлардан шаҳарларнинг сони ортиб бориши ва савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиши билан

хунармандчилик соҳаларида бозор учун маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни бошланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973.
2. Вышневецкая Н.Ю. Ремесленные изделия Джигербента (IV в. До н.э.-начало XIII в. н.э.). -М.: «Восточная литература», 2001.-173 с.
3. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. -Тошкент. Фан., 1959.
4. Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М. – Л.: 1939. Т. 1.
5. Неразик Е.Е. Раскопки Якка Парсана// МХЭ. –Москва, Наука, 1963.- Вып.7.–С.3-41.
6. Неразик Е.Е.Сельские поселения афригидского периода. -М., Наука, 1966.
7. Неразик Е.Е. Раннее средневековье в Хорезме // Этнографическое обозрение. №1, Москва, 1997.-С. 41-58.
8. Неразик Е.Е. Хорезм IV-VIII вв. // Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. -Москва, «Наука». 1999.-С.41-43.
9. Неразик Е.Е. Неразик Е.Е. Раннесредневековая культура Хорезма и проблемы ее происхождения // Transoxiana. История и культура. -Ташкент. 2004.
10. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948.
11. Толстов С.П. По следам древне Хорезмийской цивилизации. – М.: АН СССР, 1948.
12. Турганов Б.К. Металлообрабатывающее ремесло средневекового Хорезма (по данным письменных и археологических источников)// Диалог городской и степной культур на евразийском пространстве //Материалы V Международной конференции, посвященной памяти Г.А. Федорова-Давыдова 2-6 октября 2011 года. -Казань, Астрахань. 2011. -Б. 116-119.
13. Турганов Б.К., Алламбергенов С. Роль металлических предметов в изучении средневековых культурно-экономических связей Хорезма //

Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700X №5 / 2021.
-С.48-54.

14. Турганов Б.К., Даубаева Т.Т. Бронзовые зеркала Хорезма в период Золотой Орды // Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700X. № 1-1 / 2022.-С.23-29.

15. Turganov B.K., Daubaeva T.T. Bronze mirrors of Khorezm during the Golden Horde// European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 3 No. 2, February 2022. ISSN: 2660-5589. Page. 30-35.

16. Turganov B., Allambergenov A., Najimova F., Rzambetova G. Artistic metal products of khorezm during the revival period // Journal of Pharmaceutical Negative Results. Volume 14 | Special Issue 2 | 2023. -P.1295-1304.

17. **Turganov B., Jamalov N. XIII–XIV асрларда Хоразм хунармандчилиги**// Междисциплинарный электронный научный журнал «Общество и инновации. Том 4. №2. 2024. //DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss2/S-pp 48-61>.